



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Музработ туман Тиббиёт бирлашмаси  
бош врач

**А.М.Ғаниев**

“ 01 ” 04 2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Музработ туман -2022

# Танлов ҳужжатлари мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

## Танлов иштирокчиси учун йўриқнома

### 1. Танлов предмети ва тахминий қиймат

1. Танлов предмети: Музработ туман тиббиёт бирлашмаси кир ювиш хизмати ишлари

1.3. Махсулот бўйича техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати :Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5. Ишларни бошлаш муддати –авнс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### 2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Музработ туман тиббиёт бирлашмаси (бундан кейин “Буюртмачи”деб аталади)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили:Сурхондарё Вил Музработ туман

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Музработ туман тиббиёт бирлашмаси“Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қаттиғ назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкун.

3.2. Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги:шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомали ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар:танлов обектига ўхшаш обектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги:ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисида маълумотлар: танлов обектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда):Низом маблағи миқдори:Молиявий натижалар Ишчи ходимларнинг иш стажи

3.3.Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликга биноан лицензиялаштириш зарур бўлса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибда муофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади

### 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларининг электрон кўринишда (etender.uzex.uz)парталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар маълумотлар“Буюртмачи” ва “Иштирокчи ” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкун.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкун.

4.3. Техник қисм “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатиш керак.

Нархлар қисми Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида хизматларни бажариш муддатлари тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак. Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган номерланган ваколатли шахс имзоси ва мухри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини мухирлаб тасдиқланган ҳолда такдим этилиши лозим.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар руйхати (брошюралар техник паспортлар ёки ухшаш хужжатлар руйхати илова қилинади).

Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тулдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси:

Факат битта таклиф бериши мумкин:

Такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тулик жавобгар булади:

Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш ёки узгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтириши факат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тугрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асослашган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилишидан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7. БОШКА ШАРТЛАР**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартириш киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериши муддати тугайдиган санадан қаида 3 кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартириш киритилган санадан этиборан қаида 10 кунга узайтирилиши керак шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса танлов ўтказиш тугрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидақарини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли сўров келиб тушган санадан этиборан 2 иш кун ичида давлат буюртмачиси агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин тушган бўлса ушбу сўровга белгиланган

шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларини коидаларга доир тушунтиришлар уларнинг мазмун мохиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади. Ҳамда ундан олинган кўчирама у имзолаган кундан эътиборан 3 иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилингандан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан 3 иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

